Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№171 (21.745) Сотувда эркин нархда. 1994 йил 19 ноябрь, шанба

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Японияниннг "Сумитомо" корпорацияси бошқарувчи директори Тацуо Нишида бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларга мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатлар ҳамда Ўзбекистонда чет эллик тадбиркорлар учун кенг имкониятлар мавжудлиги ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати Япония билан узоқ муддатли ҳамкорлик йўлида талай ишларни амалга оширабтганини таъкидлади.

Ўз ҳамкорларини жуда узоқ вақт синчиклаб ўрганиш япониялик тадбиркорларга хос хислатдир, деди Ислом Каримов. Ўйлайманки, Ўзбекистон иқтисодиётини ўрганиш ниҳоясига етиб, амалий ишларни бошлаш мавриди келди. Биз машҳур "Сумитомо" корпорацияси билан нефть конларини ўзлаштириш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёрмиз.

Тацуо Нишида самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон бозори япониялик тадбиркорларга катта имкониятлар очаётганини таъкидлади.

1994 йил Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим сана бўлиб қолади, деди у. Шу йилнинг май ойидаги Японияга ташрифингиздан сўнг ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди. Бизнинг корпорациямиз эса ана шу ҳамкорлик ривожига муносиб ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

Қабул чоғида Японияниннг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

***

Шу куни Вазирлар Маҳкамасида "Сумитомо" корпорацияси делегациясининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов билан ҳам учрашди.

(ЎзА).

## ИЙМОН БУТУН БЎЛСИН!

18 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси ҳайъатининг раиси муфтий Мухтор ҳожи Абдуллаев қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов меҳмонга партиямизнинг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари II қурултойи якунлари ҳақида, унда қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан сайловолди Сиёсий дастур хусусида батафсил сўзлаб берди. У бу муҳим ҳужжатда партиямиз динга ишонувчи фуқароларнинг қайси динга мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, диний қарашларини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларини Олий Мажлис ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида ифодалаш мажбуриятини олганлигини, ёшларимизни виждонли, инсофли, диёнатли, ҳалол-покиза, раҳм-шафқатли бўлишларида шарқона, исломий қадриятлар муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Суҳбатда туб ислоҳотлар ўтказилаётган, миллий қадриятларимиз тикланаётган республикамизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишида дин аҳлларининг ҳиссаси бениҳоя эканлиги қайд этилди. Хусусан одамларни инсофу-иймонга чақириш, уларни ўринсиз ва қалтис хатти-ҳаракатлардан қайтариш, ўтиш даврига хос айрим қийинчиликларга бардошли бўлишга даъват этиш — дин арбобларининг мустақиллик давридаги шарафли бурчига айланди.

Меҳмон республикамиз раҳбариятига унинг одил сиёсати, халқпарварлиги, ислом арконларини эркин-эмин адо этишлари учун мусулмонларга барча шарт-шароитлар яратиб берганлиги учун миннатдорчилик изҳор этиб, Ватанимизнинг равнақи, халқимизнинг бахт-саодати йўлидаги барча саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини билдирди.

***

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Рус православ черковининг Ўрта Осиё бўйича Епархиал бошқармаси бошқарувчиси, Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов республикада виждон эркинлиги тўғрисидаги Қонунга қатъий амал қилинаётганини, партиямиз ташкилотлари ва аъзолари барча диний мазҳаблардаги, жумладан, православларнинг ҳам диний эътиқодига ҳурмат билан қарашларини, уларнинг жамиятда фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдаги амалий ишларини юксак баҳолашларини билдирди.

Меҳмон самимий дил сўзлари учун миннатдорчилик изҳор қилиб, православ черкови республикамизнинг ҳар бир фуқаросида "Ўзбекистон — барчамиз учун азиз ва мўътабар Ватан" деган олий туйғуни шакллантиришга фаол кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Суҳбатларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик ҳозир бўлди.

**Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.**

## САЙЛОВ — ЖИДДИЙ СИНОВ

Мамлакатимизда илк бор кўппартиялилик асосида демократик қоидаларга риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга бир ойдан сал кўпроқ вақт қолди, холос. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари сайловлар тайинланган кундан бошлаб ҳозиргача катта ҳажмдаги ташкилий-сиёсий ишларни бажардилар, бу йўлда муваффақиятлар ҳам, айрим хато ва нуқсонлар ҳам бўлди. Энг муҳими, партиямиз сайловчилар орасида иш олиб боришда муайян тажриба тўплади. Олдинда эса, партиямиздан номзод этиб кўрсатилган депутатларнинг сайловларда ғалаба қозонишини таъминлашга йўналтирилган жиддий ва масъулиятли вазифалар турибди. Куни кеча Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашлари иккинчи котиблари, ташкилий ва мафкуравий ишлар билан шуғулланувчи масъул ходимларининг Тошкентда бўлиб ўтган семинар-кенгаши Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловларга тайёргарлик кўриш, партия кенгашлари олиб борадиган ташкилий, ташвиқот ва тарғибот ишларининг асосий йўналишларига бағишланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов шу ҳақда маъруза қилди.

Анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси котибияти мудири В. Абдуллаев Ўзбекистон Республикасида сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунларнинг асосий жиҳатлари тўғрисида фикр юритди.

Партиямиз матбуот нашрлари — "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари таҳририятлари ижодий жамоаларининг сайловолди мавсумини ёритиш борасидаги режалари ҳақида уларнинг бош муҳаррирлари: Азим Суюн ва О. Муҳаммаджонов сўзлаб бердилар.

Семинар-кенгаш қатнашчиларига Марказий Кенгаш бўлимлари тайёрлаган услубий тавсиялар берилди.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.**

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКАДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар ва экспорт-импорт фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қуйидагилар учун жавобгарлик юклансин:

товарлар ва хизматлар халқаро бозорларини таҳлил этиш, уларнинг ривожланиш тамойилларини прогнозлаштириш;

товар, илмий-техникавий, нарх, сотиш, реклама ва ахборот соҳасидаги ташқи иқтисодий фаолият стратегиясини ишлаб чиқиш;

республикада ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш;

давлат ресурсларини ва марказлаштирилган ресурсларни экспорт қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва маҳсулотлар импорти бўйича буюртмаларни бажариш.

2. Экспорт-импорт операцияларини марказлаштиришга барҳам бериш мақсадида қуйидагиларни Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимидан чиқарган ҳолда:

"Ўздонимпекс" республика хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо бирлашмасини "Ўздонмаҳсулот" давлат-акционерлик корпорацияси таркибига;

"Ўзозиқовқатимпекс" ва "Интералоқа" республика хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо бирлашмаларини "Ўзбексавдо" давлат уюшмаси таркибига;

"Ўзтиббиётимпекс" республика хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо бирлашмасини "Дори-Дармон" давлат-акционерлик уюшмаси таркибига киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда экспорт-импорт квоталарини, амалдаги ташқи савдо операциялари бўйича активлар ва пассивларни, шунингдек, кўрсатиб ўтилган ташқи савдо бирлашмалари мол-мулкини бўлиш балансини тайёрласин.

3. Маҳсулотлари давлат эҳтиёжлари учун экспорт қилиш дастурига киритилган республика корхоналари ва ташкилотларининг уларда назарда тутилган топшириқлар сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлиги оширилсин.

Корхоналар ва ташкилотлар Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига давлат эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти тўғрисида ахборот тақдим этсинлар. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги кўрсатиб ўтилган материалларни умумлаштирсин ва йилнинг ҳар чорагида уларни Молия вазирлигига тақдим этсин.

4. "Ўзистиқболстат" давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги 10 кун муддатда 1995 йилга республика бўйича экспорт ва импорт прогнозини, шунингдек, даромадлар манбалари ва харажатлар йўналишлари бўйича 1995 йилга Республика валюта фондининг асосий параметрларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб:

давлат ресурслари ва марказлаштирилган ресурсларни импорт қилиш ҳисобига тушаётган эркин алмаштириладиган валютадаги бутун тушум, харажатлар (транспорт, суғурта, комиссион тўлов ва бошқалар) чиқариб ташланган ҳолда, мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотилиши керак, кўрсатиб ўтилган маблағларни сарфлаш уларни белгиланган тартибда Республика валюта биржаси орқали сотиш йўли амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда давлат эҳтиёжлари учун экспорт-импорт операциялари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда импорт маҳсулотлар буюртмачиларининг фойдаланилган хорижий кредитлар бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ўзаро ҳисоб-китоблари тартибини белгиласин.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда 1993 ва 1994 йилларда экспортга ажратилган ресурслардан фойдаланилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига ва унинг нусхасини Молия вазирлигига тақдим этсин.

8. 1-иловага мувофиқ стратегик жиҳатдан муҳим товарларни экспорт қилишга квоталаштириш ва лицензиялашни сақлаб қолган ҳолда 1995 йил 1 январдан бошлаб квоталанадиган ва лицензияланадиган товарлар, ишлар ва хизматлар рўйхати қисқартирилсин. Кўрсатиб ўтилган товарлар экспорти бўйича контрактлар Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Вазирлик Марказий аппарати ва унинг минтақавий вакил қилинган ходимларининг чекланган сони тегишли иш ҳақи фонди билан биргаликда 416 нафардан иборат қилиб белгилансин (қўриқлаш ва бинога хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари).

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

вазирлик тўғрисидаги низомга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

экспорт-импорт контрактлар экспертизаси ўтиши тартибини соддалаштириш;

ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларини рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш;

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва "Ўзавтотранс" давлат корпорацияси билан биргаликда халқаро нормалар ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ташқи савдо ва йўловчилар ташишни транспорт билан таъминлашни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш тўғрисида таклифлар киритсин.

11. "Ўзистиқболстат" давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ташқи иқтисодий алоқалар бўйича статистика ҳисоботида давлат эҳтиёжлари учун экспорт ва импорт бўйича маълумотларни алоҳида қаторда кўрсатсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вазирлик марказий аппарати ходимлари сонини 1995 йил 1 январидан бошлаб 25 кишига кўпайтирган ҳолда унинг марказий аппарати тузилмасида хорижий валютадаги қарз маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун махсус бўлинма, шунингдек, валюта маблағларини ҳисобга олиш бўйича марказлаштирилган бухгалтерия ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 1992 йил 26 мартдаги қарорининг вазирлик тузилмасини тасдиқлашга оид 3-банди, Вазирлар Маҳкамасининг "Ташқи савдо операцияларини тартибга солишга оид чора-тадбирлар тўғрисида" 1994 йил 25 мартдаги қарорига 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ў. Т. Султонов ва Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 ноябрь.

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ, САМАРҚАНД ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришдаги хизмати ва жамоат турмушида фаол қатнашаётгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ"**

**ЎРОҚОВ Маҳмуджон** —"Тулобод" жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ"**

**ҲОШИМОВ Саидмурод** — туман ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхонасининг директори

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРХИТЕКТОР"**

**ДАВРОНОВ Шуҳрат** — туман бош архитектори

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**ИМОМҚУЛОВА** Сугро — "Дўстлик" жамоа хўжалигидаги қишлоқ врачлик амбулаторияси ҳамшираси

**СОЛЕЕВ Жўрақул** — туман маданият бўлими қошидаги "Шашмақом" халқ ансамблининг бадиий раҳбари

**СУБҲОНОВ Муртазо** — "Мароқанд" жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи

**ТУРСУНОВ Ҳамроқул** — тумандаги 21-мактаб директори

**СУЛТОНОВ Баҳри Ҳамдамович** — 1-ихтисослашган механизациялаштирилган кўчма колонна бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 ноябрь

## *ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ*

Халқ депутатлари Арнасой туман кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Республика қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Бегижон Раҳмонов Арнасой тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Жиззах вилоят ҳокими А. Тошкенбоев сўзга чиқди.

(ЎзА).



Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз ишбилармонлари хорижий давлатларнинг йирик фирмалари билан тенг манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Юртимизда кўплаб қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари ва фирмалар ташкил этиляпти. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида ҳам тадбиркорлар Туркиянинг "Язекс" фирмаси билан биргаликда "Антекс" ҳиссадорлик жамиятини барпо этишга киришганди. Ҳозир бу йирик тўқимачилик комплекси қурилиши жадал суръатларда давом эттириляпти. Мазкур қурилишда вилоятдаги тўртта трест иш олиб бормоқда. Фарғона водийсидаги бошқа қурилиш ташкилотларидан ҳам бинокор ва пардозловчилар баҳоли қудрат ёрдам беришаётир.

Келажакда бу қўшма корхона йилига 3 минг тонна толани қайта ишлаб, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради ва айни пайтда водийдаги 2 минг нафар фуқарони иш билан таъминлайди.

СУРАТДА: қурувчилар бригадаси бошлиғи (чапдан) Улуғбек Расулов ва монтажчи Дилшодбек Усмонов.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

## БАЙРОҚ — ВАТАН ТИМСОЛИ

Байроқ — ҳар бир мамлакатнинг тимсоли. Зотан, мустақил Ўзбекистон байроғи танлаган ойдин йўлимизни, тонгдай беғубор ниятимизни ўзида мужассам этган. Уни дунёда қанча кўп одам таниса, Ўзбекистондай жаннатмакон юрт борлигидан воқиф бўлса, шунча яхши эмасми?

Ватанимиз шуҳратини ёйиш, байроғимиз жаҳоннинг олис-олис мамлакатларида ҳам ҳилпираб туришига эришмоқ эса сиз билан биз — мана шу юрт фуқароларининг меҳнатига, ишлаб чиқаришда, илму фан, маданият ва спортда, борингки, инсон фаолиятининг барча соҳаларида қўлга киритажак ютуқларимизга боғлиқ. Бу ҳақиқатни спортчиларимиз, хусусан, футболчиларимизнинг хизмати яққол исботлаб турибди.

— Шу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, — деган эди бир суҳбатда Косонсой шойи тўқиш ҳиссадорлик фабрикаси раҳбари, Ўзбекистон халқ депутати Файзулла Акрамов. — Корхонамиз "Кўргазма-ярмаркалар халқаро уюшмаси"га аъзо, бу уюшма хорижда, ҳамдўстликнинг Санкт-Петербург, Москва, Киев каби катта-катта шаҳарларида ҳар йили кўргазмалар ўтказиб туради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари эди. Ана шундай кўргазмалардан бирига борсам, қатнашчи мамлакатларнинг байроғи орасида бизники кўринмайди. Дарҳол кўргазма ташкилотчиларига учрашдим. Ўзбекистон вакили эканимни айтиб, воқеани тушунтирдим. Улар узр сўраб, зудлик билан хатони тўғрилашди. Кўргазмада маҳсулотларимиз соврин ва ёрлиқлар олгани ўз йўлига, лекин нуфузли мамлакатлар қаторида байроғимиз ҳилпираб туришига сабабчи бўлганимдан фахрланганман ўшанда!

Ҳа, байроқ — қадр-қиммат белгиси. Байроғини қадрлаган одам Ватанини улуғлаган бўлади. Аскарлар бежиз байроқни ўпиб, Ватанга, халққа садоқатларини изҳор этмайдилар!

Ана шу — Ватанимизнинг юз-кўзи, тимсоли бўлмиш байроғимиз қабул этилган кунга уч йил тўлди. Уч йилки, у нафақат Ватанимизда, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида, чет эллардаги элчихона ҳамда ваколатхоналаримизда, халқаро анжуманларда ҳилпираб турибди. Унинг янада музаффар бўлиши, ҳеч қачон эгилмаслиги, юзига доғ тушмаслиги йўлида курашмоқ, меҳнат қилмоқ эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ватанимизга, байроғимизга муносиб бўлайлик!

**Аҳмад ХЎЖА**
**(ЎзА).**

